# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИС ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

1997 йил 29 август. Жума №69 (5.840). Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ва ишлаб чиқариш соҳаларида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, ёшларга таълим ва тарбия бериш борасидаги давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона меҳнати учун қуйидагиларга «Узбекистон қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

**Мадалиева Манзура Абдуллаевна** — Қўқон шаҳридаги 10-ўрта мактаб математика ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Саитова Онесия Саитовна** — Қорақалпоғистон Республикаси 1-туғуруқхонасининг гинекология бўлими мудири

**Умаров Холхўжа Мукаррамович** — «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси «Тошмахсуспардозқурилиш» акциядорлик жамияти 42-қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригадаси бошлиғи

**Кувақов Машарип** — Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Хоразм вилояти.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 26 август.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ, ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ СОҲАСИДА КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитасининг 1997 йилги Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифларига биноан

Тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасидаги энг яхши ижодий ишлари учун 1997 йилги Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

1. **Тойир Болтабоев, Хуршид Назиров ва Файрат Камолов**га — Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейига ишланган уч қисмли маҳобатли «Буюк соҳибқирон — буюк бунёдкор» деворий тасвирий санъат асари учун.

2. **Анвар Илҳомов ва Бахтиёр Раҳмонбердиев**га — Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи гумбазидаги маҳорат билан бажарилган нақкошлик ишлари учун.

3. **Раймберди Матчонов**га — кулолчилик санъати соҳасидаги ишлар туркуми учун.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 27 август.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## АДАБИЁТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Узбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитасининг 1997 йилги Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифларига биноан

Мусиқа санъати соҳасидаги энг яхши ижодий ишлари учун 1997 йилги Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

1. **Мустафо Бафоев**га — 1993—1996 йилларда яратилган «Улуғбек буржи», «Нодира», «Мозийдан нур» телевизион балетлари мусиқаси ва истиқлолни тараннум этувчи қўшиқлар туркуми учун.

2. **Анор Назаров**га — 1993—1996 йилларда яратилган истиқлол руҳи билан йўғрилган қўшиқлар ва мусиқалар туркуми учун.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 27 август.

# МУКОФОТ МУБОРАК!

***Шу унутилмас кунларда яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлдик. Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг энг фидойи, эътиқодли, табаррук кишиларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Юксак ишонч, улуғ бахтга мушарраф бўлганлар орасида кўпгина агросаноат мажмуи ходимлари ҳам бор. Уларни номма-ном санаб Ватаннинг юксак мукофоти билан чин қалбдан муборакбод этамиз!***

### «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Алиматов Турғун** — М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси профессори

**Ҳусанхўжаев Саид Аҳмад** — Узбекистон халқ ёзувчиси, Тошкент шаҳри

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллаев Омон** — Дўстлик тумани «Оқолтин» ижара ширкатлар бирлашмаси «Машъал» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Акбаров Келдибой** — Марҳамат тумани У. Қорабоев номли жамоа хўжалиги дончилик бригадаси бошлиғи, Андижон вилояти

**Аҳмадалиева Ҳалимахон Ҳасанбаевна** — Фарғона ипгазлама ишлаб чиқариш ва очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг тўқувчиси, Фарғона вилояти

**Бозоров Абдулҳопиз** — Тўрақўрғон тумани «Олтин водий» жамоа хўжалиги сувчиси, Наманган вилояти

**Мардонов Илҳомитдин Неъматович** — Оқдарё тумани Н. Примқулов номли жамоа хўжалиги механизатори, Самарқанд вилояти

**Пармонов Ўсарқул Муротович** — Боёвут тумани «1-Боёвут» деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси таркторчиси, Сирдарё вилояти

**Рўзибоев Худойберган** — Дружба шаҳрига қарашли «Узбекистон» жамоа хўжалиги механизатори, Хоразм вилояти

**Тоғаев Хидир Жумаевич** — Денов тумани «Ҳазорбоғ» жамоа хўжалиги бош агрономи, Сурхондарё вилояти

**Халикова Муқаддас** — Урта Чирчиқ тумани «Уртасарой» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Тошкент вилояти

**Хожаметов Кууатбай Жумабаевич** — Нукус тумани «Кардер» жамоа хўжалиги агроучастка бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Чориев Амрилло** — Касби тумани Ш. Рашидов номли ёпиқ турдаги қишлоқ хўжалик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Қашқадарё вилояти

**Қурбонов Ғафур Ҳасанович** — Жондор тумани М. Таробий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Бухоро вилояти

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Авезниязов Юлдаш Жуманиязович** — Элликқалъа тумани Сарабий фермер хўжалииклари уюшмаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Алимов Турдимурод Худоёрович** — Чироқчи тумани «Чиял» жамоа хўжалиги комбайнчиси, Қашқадарё вилояти

**Ералиев Маулен Асқарович** — Мирзачўл тумани «Иржар» пахта тозалаш корхонаси чилангари, Жиззах вилояти

**Жахбаров Абдусамад** — Фарғона тумани «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги бош агрономи, Фарғона вилояти

**Исмоилов Бешим Хусенович** — Қоровулбозор тумани «Дўстлик» жамоа хўжалиги бош агрономи, Бухоро вилояти

**Каримов Шамшиддин** — Уйчи тумани «Ғайрат» жамоа хўжалиги бош агрономи, Наманган вилояти

**Назаров Неъмат Ибодович** — Иштихон тумани М. Жўраев номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Пирназаров Отаназар** — Хева тумани Огаҳий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Хоразм вилояти

**Расулова Асалхон** — Олтинкўл тумани «Намуна» жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Андижон вилояти

**Тураев Разак** — Китоб тумани Р. Шайманов номли жамоа хўжалиги раиси, Қашқадарё вилояти

**Ҳакимов Қузи Рузиевич** — Қизилтепа тумани «Варозун» жамоа хўжалиги бош агрономи, Навоий вилояти

**Холназаров Алиқул Раззоқович** — Ховос тумани А. Темур номли ширкатлар уюшмаси «Истиқлол» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Ҳомидов Ваҳобжон** — Андижон тумани Бобур номли ширкатлар уюшмаси бош агрономи, Андижон вилояти

**Қултўраев Эгамберди Нуралиевич** — Қизириқ тумани «Истара» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг «Қорагосмоқ» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Аҳмедова Саодат Исроиловна** — Бўка тумани С. Саймаков номли жамоа хўжалиги пиллакори, Тошкент вилояти

**Абдиев Меҳриддин** — Ғиждувон тумани Ф. Хўжаев номли жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи, Бухоро вилояти

**Абдикаримов Эргашвой Мирзакаримович** — Қува тумани М. Шербўтаев номли жамоа хўжалиги участка агрономи, Фарғона вилояти

**Абдираҳмонова Комилахон Ҳамраевна** — Булоқбоши тумани А. Навоий номли жамоа хўжалиги аъзоси, Андижон вилояти

**Абдуллаев Абдуназар Артиқбоевич** — Жалолқудуқ тумани «Бешкарам» хусусий фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Абдураҳмонов Баҳром Рўзметович** — Янгиариқ тумани А. Утар номли ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти бош иқтисодчиси, Хоразм вилояти

**Абдураҳмонов Ҳомиджон Турсунбоевич** — Риштон тумани «Навруз» жамоа хўжалиги сувчиси, Фарғона вилояти

**Абилходиева Йўлдошхон** — Дўстлик тумани «Навбаҳор» ижара ширкатлар бирлашмаси ижарачиси, Жиззах вилояти

**Аблақулов Нарқул** — Конимех тумани Ҳ. Олимжон номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Навоий вилояти

**Адизов Кузи** — Жондор тумани Т. Хотамов номли жамоа хўжалиги 9-бригадаси сувчиси, Бухоро вилояти

**Аименов Нурдулла Алтинбекович** — Учқудуқ тумани Бохантов ассоциацияси бош чўпони, Навоий вилояти

**Аллаберганова Моможон** — Шовот тумани «Соҳибкор» жамоа хўжалиги ижарачиси, Хоразм вилояти

**Аллабергенов Муҳаммат** — Урганч тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Хоразм вилояти

**Алламберганов Артикбай** — Хўжайли тўмани «Тошкент» деҳқон-фермерлар уюшмаси 2-бўлим бошқарувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Алламуратова Тойдик** — Нукус тумани «Дарсан» жамоа хўжалиги ижарачиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Алланазаров Нормурод** — Бойсун тумани «Емчи» чорвачилик фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Аминов Собир Отаевич** — Қўшкўпир тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалиги тракторчиси, Хоразм вилояти

**Аржанов Кемалбой Бабаевич** — Тўрткўл тумани Я. Иламанов номли деҳқон-фермер уюшмаси бригада бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Арипова Шаҳрибони** — Фарғона шаҳри «Оқариқ» жамоа хўжалиги ижарачиси, Фарғона вилояти

**Артиқов Хусанбой Эргашович** — Оқолтин тумани «Фарғона» деҳқон-фермер хўжаликлар бирлашмаси сувчиси, Сирдарё вилояти

**Аслонов Мавлон Аслонович** — Бухоро тумани «Маданият» жамоа хўжалиги бош иқтисодчиси, Бухоро вилояти

**Аҳмедов Абдураззоқ Мустафоқулович** — Зомин тумани «Янги ҳаёт» ижара ширкатлар бирлашмаси звено бошлиғи, Жиззах вилояти

**Аҳмедов Раҳимжон** — Учкўприк тумани «Учкўприк» жамоа хўжалиги бош муҳандиси, Фарғона вилояти

**Ачилдиев Муҳаммади** — Денов тумани ипакчилик идораси директори, Сурхондарё вилояти

**Бадалова Ҳикоят** — Узун тумани Б. Омонов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Бектемиров Сервер Сотиболдиевич** — Оққўрғон тумани «Оққўрғон» ширкатлар бирлашмаси бўлим бошлиғи, Тошкент вилояти

**Бердиқулов Ашур Нормуротович** — Жарқўрғон тумани машина-трактор парки созловчиси, Сурхондарё вилояти

**Бердников Виктор** — Самарқанд тумани машина-трактор парки давлат акциядорлик жамияти механизатори, Самарқанд вилояти

**Бабажонова Роҳат Рўзиметовна** — Хева тумани Р. Мадаминов номли жамоа хўжалиги фермаси сут соғувчиси, Хоразм вилояти

**Бобоқулов Раҳматилло** — Шўрчи тумани А. Сафаров номли жамоа хўжалиги бош агрономи, Сурхондарё вилояти

**Бозулганова Лола Давкеевна** — Шуманай тумани «Дўстлик байроғи» жамоа хўжалиги «Баҳор» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Боймуродов Худоберди Мелибович** — Тайлоқ тумани А. Темур номли ижара хўжалиги раиси, Самарқанд вилояти

**Ботирова Қурвонжон** — Марҳамат тумани «Пахтакор» акциядорлик жамияти ижарачиси, Андижон вилояти

**Ботирова Санам** — Иштихон тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалиги пиллачилик звеноси бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Бутаев Бобоқул Нортожиевич** — Шербод тумани У. Юсупов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Ғаффоров Учқур Жўраевич** — Музрабод тумани А. Набиев номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси, Сурхондарё вилояти

**Гоипов Ўроқ** — Арнасой тумани Б. Файзиев номли деҳқон хўжаликлари уюшмаси раиси, Жиззах вилояти

**Дадаев Толибжон** — Фарғона тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси Аввал гидроучасткаси муҳандис-гидротехниги, Фарғона вилояти

**Деҳқонов Жўрақул Жуманович** — Пскент тумани Навоий номли жамоа хўжалиги механизатори, Тошкент вилояти

**Досанова Жумабика** — Амударё тумани «Хоразм» жамоа хўжалиги пиллакори— Қорақалпоғистон Республикаси

**Есемуратов Хошимурат** — Қораўзак тумани «Баҳодир» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари, Қорқалпоғистон Республикаси

**Ешмуратов Аяпберген** — Қонликўл тумани «Қиндикўзак» жамоа уюшмаси агроучастка бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жамолова Муҳаббат** — Жомбой тумани Н. Эсонтурдиев номли жамоа хўжалиги пахтачилик звеноси бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Жўраев Искандар Тўланович** — Зангиота тумани «Зангиота» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Тошкент вилояти

**Жўраева Сабрия Нарзуллаевна** — Ромитан тумани «Нурафшон» жамоа хўжалиги аъзоси, Бухоро вилояти

**Желонов Рўзи Яҳёевич** — Вобкент тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бош чўпони, Бухоро вилояти

**Жулбеков Носир Ҳакимович** — Ш. Рашидов тумани Узоқов номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси деҳқон-фермер уюшмаси бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Жумабаев Акром Ҳайдарович** — Сирдарё тумани С. Раҳимов номли ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Жўраев Мўминжон Муллажонович** — Ёзёвон тумани «Қатортол» жамоа хўжалиги механизатори, Фарғона вилояти

**Имомов Қурбон Норович** — Навбаҳор тумани «Вамитон» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

**Исмоилов Собур** — Боғот тумани «Узбекисон» жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Хоразм вилояти

**Йўлдошев Парда** — Каттақўрғон тумани М. Султонов номли жамоа хўжалиги тракторчи-комбайнчиси, Самарқанд вилояти

**Канаев Мирабдулла Миралиевич** — Оҳангарон тумани С. Раҳимов номли акциядорлик жамияти бош чўпони, Тошкент вилояти

**Каримов Тошпулот Туримович** — Гўзалкент тумани «Беш қаҳрамон» жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Курбонов Саитмурот Мейлиевич** — Ангор тумани «Занг» жамоа хўжалиги агрономи, Сурхондарё вилояти

**Мадримов Нурулла** — Гурлан тумани «Қорақалпоғистон» жамоа хўжалиги бош агрономи, Хоразм вилояти

**Мамаджонов Камолиддин Абдуллазович** — Чортоқ тумани А. Навоий номли жамоа хўжалиги бош иқтисодчиси, Наманган вилояти

**Мамадиев Саттор Ҳасанович** — Навоий тумани машина-трактор парки комбайнчиси, Навоий вилояти

**Мамасолиева Холинса** — Бувайда тумани «Дўстлик» жамоа хўжалиги аъзоси, Фарғона вилояти

**Мамашоев Алижон Жўраевич** — Бағдод тумани машина-трактор парки комбайнчиси, Фарғона вилояти

(Давоми 3-бетда).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИ — УЛУҒ БАЙРАМИМИЗ**

## ОҚ ОЛТИН КАРВОН-КАРВОН

**Бугун ўлкамиз пахтазорларида ўзгача файз, тароват. Оппоқ очилган пахталар бободеҳқон қалбига завқ-шавқ бағишлаб, уни тезроқ йиғиштириб олишга чорламоқда. Миришкорнинг ҳам фикри-хаёлида шу. Қисқа фурсатда кўзлаган ҳосилни йиғиштириб олсам дейди. Шу ниятда ғайрат отини қамчилайди.**

**Мустақиллигимиз олти йиллигига тўёна қилиб улуғ айём арафасида ўнлаб ижарачи, бригада ва деҳқон хўжаликлари зафар маррасига етдилар. Қувончлиси, бундай хушхабарлар оқими кун сайин, соат сайин кўпаймоқда, ғолиблар сафи кенгаймоқда. Насиб этса мамлакатимизда улкан оқ олтин хирмони бунёд бўладиган кун яқин.**

**Айни кунларда туманларда пахта карвони ўтмоқда. Катта меҳнат, тўкилган маржон-маржон пешона терлар эвазига етиштирилган дур қабул пунктларига жўнатила бошланди. Карнай-сурнайлар садоси кўнгилларни чароғон этиб, заршуносни мавсум бошланиши билан муборакбод этди. Илойим, юртимизда шундай шукуҳли онлар узилмасин, тўй тўйга уланаверсин.**



## ОҚИЛ ОДАМ ДУНЁНИ ЎЙЛАР

***Бугунги кунда хориж билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйган жамоалар катта ютуқларга эришаётир. Буни қалбдан ҳис қилган ишбилармон замондошларимиз «Биз дунёда ҳеч кимдан кам эмасмиз» деган виқор ва ғурур билан дунёга чиқмоқдалар. Ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиб, замонавий техника воситаларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, нафақат мамлакатимиз бозорларида, балки хорижда ҳам ўз мижоз ва харидорларини кўпайтирмоқдалар.***

Қизилтепа пахта тозалаш корхонасининг хориж билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйган тадбиркорлари Германия, Корея, Хитой ва Англияга 8 минг тоннадан зиёд сифатли пахта толаси жўнатдилар.

Айни кунларда корхона янги мавсум ҳосилини қабул қилишга киришди.

* * *

Шофиркон туманидаги Бобур номли жамоа хўжалиги билан туркиялик ишбилармонлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Варзонзе» ўзбек-турк қўшма корхонасида 32 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Оддий қишлоқ аёллари тиккан кўйлаклар бугун кўҳна «Варзонзе» тамғаси билан мамлакатимиз ва хориж бозорларини безамоқда.

Қўшма корхона чеварлари жорий йилда 10 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариб, Истиқлол байрамини муносиб кутиб олаяптилар.

* * *

Янгиерда Узбекистон — Германия қўшма корхонаси маҳсулот бера бошлади. Бу ерда айни кунда тайёрланаётган эркаклар спорт кийимлари ва бошқа трикотаж маҳсулотлар сифати ва бежиримлиги билан харидоргир бўлмоқда. Негаки, қўшма корхона Германиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган.

Айниқса қўшма корхонада тайёрланган спорт кийимлари чет элликлар эътиборини тортмоқда.

* * *

Оқтошлик тадбиркорлар ҳам Мустақиллик байрамини меҳнатда катта ютуқлар билан қаршилаётирлар. Туманда хорижлик биродарлар билан ҳамкорлик бутун чоралар билан кучайтирилмоқда.

Оқтош конида мармарни қайта ишлаб, йилига 7200 квадрат метр сержило мармар плита ишлаб чиқариш цехи, Бахмал қишлоғида эса Бирлашган Араб Амирликлари фирмалари билан ҳамкорликда гугурт ва пишлоқ заводлари барпо этишга киришилди.

«Ғайрат» фермер хўжалиги эса Узбекистон — Швейцария қўшма корхонасидан прессланган ғишт ишлаб чиқариш технологиясини сотиб олди.

Булардан ташқари яқин орада Польшанинг «Марпол» савдо корхонаси кўмагида Оқтош қишлоғида маъданли шифобахш сув қадоқлаш корхонасини очиш ҳам кўзда тутилган.

**Абдулла ТУРДИЕВ**

## ЭҲТИРОМ

**Деҳқон ҳузурига чорлайди йўлим,
Эгатлар оралаб елдек бораман.
Қадоқ кафтлар аро қолади қўлим,
Унга эҳтиромим нурга қораман.
Аввало сўрайман: «Рўзғорлар бутми?!»,
Сўнг эса барака тилайман чошга.
Берсин даласига барака-қутни,
Кафтида ҳар чаноқ ўхшар қуёшга.
Бугун олтин фасл илк куни — айём,
Покдомон деҳқонга хуш тилак бўлсин.
Ушбу сатрларим — шеърий эҳтиром,
Қутлуғ айёмингиз муборак бўлсин!
Бугун далаларда чаноқлар тошди,
Мағрур бўй кўрсатгай «оқ олтин» тоғи.
Гўёки косадан қаймоқлар тошди —
Деҳқон неъматининг йўқдир адоғи...
Ҳар кечган лаҳзанинг ранглари бисёр,
Ҳар кунни камалак айлайди нурлар.
Эртанги кунига ишонч устувор,
Оққан — реза-реза тер, деманг, дурлар...
Азалдан мақтовни хушламас деҳқон,
Гоҳо бир калима буғдой сўз жоиз.
О, бугун парвозда бир олий фармон:
«Боғотлик ҚУВАҚОВ — Қаҳрамон раис!»
Бу — бободеҳқонга сийлов, эҳтиром —
Бу — бободеҳқонга — энг олий эъзоз.
Замин соҳибига бу — ширин калом,
Омонлик юртидан акс-садо — овоз.
Демакки, яшнайвер — Ўзбекистоним —
Довруғинг оламга таралсин нурдек.
Бу шеър — дебочаси, не-не достоним —
Алҳол, бир маржонга тизилгай дурдек.
Куз — олтин фаслнинг илк куни, илло,
Оташин каломим — хуш тилак бўлсин.
Меҳрга йўғрилган буғдой сўз — аъло,
Қутлуғ айёмингиз муборак бўлсин!!**

### БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси бугун, 29 август куни соат 10 да Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 29 август куни соат 8 дан Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

# ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИДАН ЯШНАГАН ДИЁР —



6

ОНА ЗАМИН АРМУҒОНИ











## УШАЛГАН ОРЗУ

Миллат равнақи, юрт ободончилиги, маъмурчиликнинг асоси — мустақилликда. Олти йилдирки, буни амалда кўраяпмиз. Етмиш йилда қилинмаган ишлар шу қисқа давр мобайнида амалга ошди. Буюк келажакка мустаҳкам замин қўйилди. Яратганга ҳамду санолар бўлсин, дориломон кунларга етаяпмиз.

Мустақиллигимизнинг олти йиллигини кўп қатори муносиб нишонлаётганимиздан беҳад хурсандмиз. Йилнинг илк ҳосили пилла топшириғини салкам 150 фоизга етказдик. Энг азиз неъмат — дон етиштиришда ҳам дуруст натижаларга эришдик. Бултургига нисбатан ўсиш таъминланди. Қабул пунктларига 1.845 тонна ўрнига 2.240 тонна сара дон етказиб берилди. Ҳар гектар ердан мўлжалдагидан 3 центнердан кўп ғалла йиғиштириб олинди. Виля Ким, Қобил Махатов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик бундан ҳам юқори бўлди. Шунинг натижасида омборларимиз донга тўлди.

Деҳқон қалбида шодлик, шукроналик, аммо хаёли даласида. Негаки, эрта баҳордан тиним билмай, қалб қўрини бағишлаб ўстирган ғўзаси бугун ҳосилга кирди. Тезроқ оқ олтинни саранжомлаб олиш ташвиши унинг тинчини олган.

Бу йил 950 гектар майдонда пахта етиштирдик. Унинг асосий қисмида С 6524, 30 гектарида «Бухоро-6» нави парваришланди. Баҳорнинг охирлари, ёзнинг бошларидаги ёғин-сочин, экинни сел босиши бизни ҳам четлаб ўтмади. Бундан умидсизликка тушмадик. Пахтачиликда кўзи пишган уста деҳқонлар маслаҳати, мутахассислар тавсиясига амал қилиб дала юмушларини белгиланган тадбирлар асосида ташкил этдик. Шукр, ҳаракатларимиз зое кетмади.

150 гектар ерга икки қаторли қилиб плёнка остига чигит эккандик. Бир текис очилди. Уч-тўрт кундирки у ерда терим авжида. Белига этак тутган чевар теримчилар пахтазорга файз бағишлади. Эрта-индин уларнинг сафи кенгаяди,. мавсум оммавий тус олади.

Дарҳақиқат, ҳосил чўғи чакки эмас. Ҳар тупда ўртача 10-12 тадан бўлиқ кўсак бўлиб ярмидан кўпи очилди. Айниқса Виталий Хам, Олтин Жукуев, Валерий Ли етакчилик қилаётган бригадаларда бу йил ҳам режадагидан зиёда оқ олтин унди. Баракасини берса уларда ҳосилдорликни гектарига 40 центнерга етказиш имконияти бор. Хуллас, 2.600 тонналик оқ олтин хирмонини тиклаш мақсадида барча куч ва имкониятни сафарбар этганмиз.

Чорвачилик ҳам алоҳида эътиборда. 390 бош қорамол зооветеринария талаблари асосида боқиляпти. Қишловга эҳтиёжни бемалол қоплайдиган даражада озуқа жамғариляпти. Шу пайтгача 300 тонна сомон, 260 тонна беда пичани, минг тонна силос бостирилди. Шунингдек, 120 гектар жойдаги макка, 118 гектардаги озуқа экинларидан ҳам емиш жамғариляпти.

Мустақил юртда бахтиёр ҳаёт кечириш нақадар лаззатли!

**Абдурауф АБДУСАЛОМОВ,**
**Қуйи Чирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги раиси.**

## ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

**Холид МАЛИК,**
**БМТнинг Ўзбекистондаги вакили:**

— Марказий Осиё минтақасида хавфсизликнинг ишончли тизимини яратишда Ўзбекистон муҳим ўрин тутади. Бу борада мамлакатингиз Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуслари эътиборга лойиқ.

**Вилли ВИММЕР,**
**Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламенти Ассамблеяси раиси ўринбосари:**

— Мен Ўзбекистонда барча соҳадаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ҳамда алоқаларимизнинг янада мустаҳкамланишига ишонаман. Зеро, Ўзбекистондан умидимиз катта.

**Ҳайдар АЛИЕВ,**
**Озарбайжон Республикаси Президенти:**

— Ўзбекистон ўзининг меҳнат ресурслари ва табиий бойликлари, қолаверса ўзбек халқининг ақлий салоҳияти билан Марказий Осиёда юксак мавқега эга. Бу ерда юз бераётган ўзгаришлар Озарбайжонда катта қизиқиш билан қабул қилинмоқда ва халқимизнинг Ўзбекистонга, ўзбек халқига ҳурматини янада оширмоқда.

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти:**

— Марказий Осиёдаги хавфсизлик кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг нуқтаи назари билан бевосита боғлиқ.

**Кристоф БЛУТ,**
**профессор (Буюк Британия):**

— Менинг фикримча, Ўзбекистон Президентининг ўз мамлакатининг миллий хавфсизлиги масалалари бўйича кенг жамоатчиликка аниқ тушунча бериш учун вақт ва имкон топиб меҳнат қилиши ўрнак бўларли даражада ижобий воқеадир. Шу тариқа фуқаролар миллий хавфсизлик тизими яратишга жалб этилади.

**Кумаран БҲАДРАКУМАР,**
**Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Олти йил — тарих учун қисқа фурсат. Аммо шу фурсатда ўзини оқлай бошлаган «ўзбек модели»нинг умри узоқ...

**Римғали НУРҒАЛИЕВ,**
**академик, қомусчи (Қозоғистон)**

— Бовурларим, ўзбекларга минг раҳмат денглар, Туркистон тарихини варақласангиз, ҳақиқат ўзи очилаверади. Бизнинг боболаримиз бошига мусибат тушганда Тошкент паноҳ бўлган, қалъа бўлган. Эсланг, қозоқ зиёлиларини кимлар сақлаб қолган, ўзбеклар-да!

**Алгирдас БРАЗАУСКАС,**
**Литва Республикаси Президенти:**

— Ўзбекистон Литванинг Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик ҳамкори бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади... Мамлакатларимиз ўртасидаги масофалар узоқлигига қарамай, Ўзбекистоннинг салоҳиятли шерик эканини бизни ҳамиша рағбатлантириб туради.

**Мирча НИКОЛАЕСКУ,**
**Руминиянинг «Малекс» фирмасининг президенти:**

— Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт йўли ҳар томонлама ўқиб-ўрганишга арзийди. Мустаҳкам ҳаётий заминга қурилган бу ноёб тажриба ислоҳот йўлидан бораётган бошқа халқлар ва бошқа жамиятларни бу йўлда учраши эҳтимоли бўлган хатолардан асрашига аминман.

## ЧАНОҚЛАР ЧАМАНИ

**Денов туманидаги Ш. Қобилов номли жамоа хўжалигининг А. Отамуродов бошлиқ бригадаси заршунослари фидокорона меҳнат қилаётирлар. Тадбиркорлик билан бригада далаларида чамандек оппоқ пахталар деҳқон қувончига-қувонч қўшмоқда. Миришкорлар мавжуд 42 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб давлатга 168 тонна оқ олтин сотишга аҳд қилишган.**

**Бригада даласида терим қизғин бораяпти.**

**Ўрол БЕКМУРОДОВ.**



**Мустақиллигимиз шарофати хусусида фахр-ифтихор билан қанча сўз айтсак, шунча оз. Республикамизда ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлидаги юртимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган ташаббус ҳам шунинг яққол далилидир. Бу йил Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» жамоа-ширкат хўжалиги деҳқонлари ҳам ғалладан мўл-кўл хирмон уюшди. Ўрим мавсумида янги замонавий техника — «Кейс» комбайнини бошқарган, ишда суръат ва сифатга эришган пешқадамлар хирмон баракасига барака қўшишди. Хўжалик бошқаруви раиси Муродулла Саидовнинг қувонч билан таъкидлашича, 1000 гектар майдондаги ғалладан юқори ҳосил олинди. Энди қарабсизки, даромаду буромад ҳам шунга қараб ошади.**

**Суратда: илғор ғаллачилик бригадаси етакчиси Жумақул Назаров. Бу жамоа деҳқонлари ҳосилдорликни 50 центнердан оширишди.**

**Ш. ШАРОПОВ олган сурат. (ЎзА).**

## ТАШАККУР!

***Мустақиллик йилларида халқимиз ниҳоятда қимматли моддий, маънавий, руҳий баркамолликка эришди. Одамлар дунёқараши ўзгарди, миллий ғурур туйғуси, ҳаётга, меҳнатга муносабат, Ватанга, миллатга меҳр, эгалик ва масъулият ҳисси кучайди. Бу аввало озодлик шамойили бўлса, иккинчидан маънавиятнинг инсон қалби, маданияти, руҳиятидаги инъикосидир.***

***Муборак байрам арафасида мухбиримиз табаррук ватандошимиз билан суҳбатлашди.***

Мустақилликнинг олти йиллик шодиёналари билан 70 йиллик муборак ёшим уланиб кетганидан бениҳоя фахрланиб турибман. Мен ҳаётнинг аччиқ-чучукларини кўрган, ўз тақдирини ўзи яратиш учун бир умр елиб-югурган озодликни орзу қилиб яшаган муйсафид ҳеч қачон муборак ёшлигимни юртим мустақиллигининг 6 йиллиги тантаналари билан бирга нишонлайман деб ўйламагандим. Тақдирга шукр.

Эҳ-ҳе, бу юрт озодлиги деб не-не боболаримиз, армон билан кетмади, қаҳрамон оталаримиз шу муқаддас Ватан деб мусофирликда жон беришди.

Болалигим оғир 30-йилларга тўғри келди. Ўқигим, ўз билимим билан юртим боғини обод қилгим келарди. Аммо бунга шароит йўқ. Китоб, дафтар етишмайди, захх синфхоналарда бир дарсликни 20—30 нафар бола авайлаб ўқиймиз. Отам ўлиб рўзғоримиз ночор аҳволда қолган, 5 нафар укам, касалманд онамни ўқиб туриб боқишим керак. Мактабдан қолмай деб кечалари ишлаб нон топардим. Кейин уруш... институт... 50-йилларда чўлни ўзлаштириш учун ёшлар ташаббус билан чиқишди. Олий маълумотли ҳуқуқшунос, агроном бўлишимга қарамай, улар сафига қўшилиб, оддий чўлқувар сифатида даштни ўзлаштиришга отландим. Қақроқ чўл осонликча бизга бағрини очмади. Қўлларимиз меҳнатдан қабарса-да, дилимизда Ватан отлиғ чироқ ёнар, чўлларни гулистонга айлантираётганимиздан ғурурланардик!

Яқинда ўша йиллар ўзим ишлаган Янгиер, Гулистон шаҳарларида бўлдим. Тўғриси, яшаган жойимни топа олмадим. Кенг ва равон йўллар, бир-биридан чиройли бинолар, соя-салқин хиёбонлар, ям-яшил боғ-роғлар, сертошқин ариқлар оралаб борарканман, шу ерлар биз ўзлаштирган чўл-дашт эканлигига ишонгим келмасди. Янгиер тумани бу йил 40 йиллик тўйини нишонларкан. Унинг камолини кўриб қувондим. Мустақиллик унга камолот бахш этибди.

Шу азиз тинч-осойишта дамлар, мустақиллик абадул-абад бўлсин.

**Шарифхўжа ТУРДИХЎЖАЕВ, уруш ва меҳнат фахрийси.**



**«Ўзбекгазқурилиш трестининг 5-махсус механизациялашган кўчма колоннаси жамоаси тоғ-адирлик ерлардан ўтган мураккаб «Бойсун — Сайроб» газ трассасини барпо этишмоқда. Азамат бунёдкорлар Инсон Манфаатлари йилида масъулиятни ҳис этган ҳолда ишлаб, республика мустақиллигининг қутлуғ 6 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олмоқдалар. Улар йил бошидан бери 50 километрдан ортиқ масофада газ қувурлари ётқизиб чиқишди. Йил охиригача райондаги энг чекка — «Пахтакор», «Тошкент», Ойбек ва Ғафур Ғулом номли хўжаликларга тўлиқ газ етиб боради.**

**СУРАТДА: 5-механизациялашган кўчма колонна ишбошилари Мусулмон Янгибоев, Зокир Бўтаев ва бош инженер Бойназар Эломоновлар навбатдаги участкада амалга ошириладиган юмушларни муҳокама қилишмоқда.**

**И. ХЎЖАЕВ олган сурат (ЎзА).**

## ИСМОИЛ БОБО ТОМОРҚАСИ

Исмоил бобо Муҳиддинов асли ургутлик. Ваткан қишлоғида таваллуд топган. Ота-онасидан ёшлигида етим қолиб, ўзига тўқ одамларнинг молини боқиб катта бўлди. 1937 йили у Самарқанд туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигида иш бошлади. Умр бўйи қўлидан кетмони тушмаган деҳқон нафақага чиққач уйда ўтиришни ўзига эп билмади.

Томорқада ишлаш бобонинг севган машғулоти. 10 сотих ердан йилда икки-уч ҳосил олади. Январ-феврал ойларида шу ернинг бир қисмига помидор, булғор қалампири, карам уруғи сепади. Устини плёнка билан ёпиб парваришлайди. 300 минг туп помидор, 50 минг туп булғор қалампири, 50 минг туп карам кўчати етиштириб бозорга олиб чиқади.

Кўчатдан бўшаган ерга картошка, помидор ниҳоли экади. Эртаги картошкани йиғиштиргач, ўрнига кечки карам кўчати қадайди. Хуллас, ана шу 10 сотих ердан 25-30 центнер помидор, шунча миқдорда карам етиштиради.

Экинлар орасидаги пол ва уватларда булғор қалампири, аччиқ қалампир, ҳар хил кўкатлар ўстирилади. Ундан нафақат бобонинг оиласи, қўни-қўшнилари ҳам баҳраманд бўлишади. Бултур томорқасидан умумий ҳисобда (кўкатларни ҳисобга олмаганда) 6,5 тонна ҳосил кўтарди. Унинг бу йилги нияти кўрсаткични 7 тоннага етказиш.

— Ернинг ҳар қаричини қадрлаш керак, — дейди бобо.

Томорқадан ташқари бобо «Ғалаба» жамоа хўжалигидан ҳар йили бир гектар ер олиб деҳқончилик қилади. Утган йили у шу майдондан хўжаликка 1,5 тонна макка дони, 15 тоннадан зиёд помидор топширди. У бу йил шунча жойдан 2 тонна помидорни элга етказиб беришни мақсад қилган.

Отахон 6 ўғил, 16 невара-чеваранинг ардоғида фаровон ҳаёт кечирмоқда. Томорқадан келаётган даромад орзу-ҳавасларга сарфланаяпти. Кўрган одам у кишини 73 ёшга борган демайди. Боиси қўли доим меҳнатда!

**Иноят НЕЪМАТОВ.**

## Бунёдкорлик солномаси

● Мустақиликка эришганимиздан кейин ўтган йилларда ялпи ички маҳсулотнинг камайиш суръатлари энг кам бўлган, саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича эса 1990 йил даражасига нисбатан 1996 йилда ўсиш кўзга ташланган Ўзбекистон Ҳамдўстлик давлатлари орасида яккаю ягона мамлакатдир.

● **Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатда ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш учун давлат бюджетидан 63,2 миллиард сўм ёки бюджетнинг умумий харажатларидан қарийб 45 фоизи сарфланди.**

● Шунинг ҳисобидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, давлат томонидан бериладиган ёрдамга муҳтож оилаларга эътиборни кучайтириш имкони яратилди. Кам таъминланган оилаларнинг ўзигагина 10,1 миллиард сўмдан ортиқ нафақа берилди.

● **Иқтисодий соҳани, айниқса, қишлоқ жойларда ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Бу мақсадда 38,4 миллиард сўм капитал маблағ ёки умумий капитал маблағлар ҳажмининг 39 фоизи ўзлаштирилди.**

● Олти ой ичида 3 миллион квадрат метрга яқин уй-жой, шундан 2,8 миллиони қишлоқ жойларида фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли 1,5 баравар кўпдир.

● **Бир навбатда 4 минг беморга хизмат кўрсатувчи поликлиникалар, 13,6 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари қурилди. Ҳисобот даврида 2,1 минг янги маиший хизмат объекти очилиб, хизматнинг 18 та тури ўзлаштирилди.**

● Аҳоли пунктларини газлаштириш ва сув билан таъминлаш дастурларига мувофиқ 2,3 минг километр газ, 633 километр сув узатиш тармоқлари фойдаланишга топширилди.

# ЭРК ШУКУҲИ

Байрамларнинг ўзига хос хусусият ва фарзилатлари борки, уларнинг шукуҳи ва жозибасидан кўнгиллар қувончга тўлиб, юракларга масъул туйғулар меҳмон бўлади. Айниқса эрк ва озодлик байрамлари инсонлар қалбидан отилиб чиққан туйғулар силсиласида мавжланиб кишини эзгуликларга даъват этади. Гуллаб яшнаётган шу азиз Ватанда тинч-осойишта яшашнинг, эркинлик кунларини байрам қилишнинг ўзи олий саодатлигини ҳис қилиб, тақдирга шукрона айтасан, киши. Пойтахтимизнинг байрамона безатилган кўк, яшил зангори, оқ байроқчалар қўйилган хиёбонларга ўзгача файз бағишлаган кўчалардан ўтиб, мустақиллик майдони томон борарканман, хаёлдан шулар ўтаверади.

Одамларни кузатаман: руҳлари тетик, осойишта, кўзларида қувонч, фавволалар кўкка интилиб кумуш сочқилар сочаётган салқин хиёбонларда кўхликкина кийинган фарзандларини етаклаб сайр қилиб юришибди. Улар орасида олис қишлоқлардан келган ота-оналарию қариндош уруғлари ила шоду хуррам дам олиб юрганлар ҳам кўп. Мамлакатимиз фахр-ифтихори Мустақиллик майдони эса ҳар қачонгидан ҳам чирой очиб ўзгача салобат ва кўркамлик бахш этган. Байрамга тараддуд кўраётган санъаткорлар ижро этаётган куй-қўшиқлар, карнай-сурнай садолари қалбимизни қувончга тўлдиради. Кўнгиллар эркнинг, озодликнинг шукуҳидан юксалиб, миллатпарвар ота-боболарнинг армонлари, кураш солномалари навога айланиб қўшиқ мисол оқаверади.

Бош майдонда ўрнатилган шарқона гумбазлар ранго-ранг чироқ нурларига чулғаниб, хаёлларни узоқ мозийга боғлайди. Шарқона безаклар ила сайқалланган саҳна ярқираб кўзга ташланади. Олтисимон муаззам курраи замин ортидан мамлакатимиз харитаси ва гўзал юртимиз манзаралари чироқ шуълалари ила сирли сеҳрли манзара касб этади. Шода-шода нурлар зангори осмонга сочилиб ётган юлдузларга мезгайди. Нурдан нафақат атроф, балки кўнгиллар равшан тортиб, завқланади. Саҳна атрофига ўрнатилган минорасимон устунлар, гўзал ва бетакрор шарқ меъморчилигини эслатади. Бош майдонда ўрнатилган Ўзбекистон Байроғи ва Герби эса мўъжизадек чироқ нурларида жилоланади.

Яна театрлаштирилган томошаларга қатновчилар майдонни тўлдирган. Улар сўнгги тайёргарлик машқларини бажаришаяпти, вилоятлардан келган санъаткорлар ҳам ўз чиқишларини мутахассислар назаридан ўтказишмоқда. Уларнинг айримларини суҳбатга чорлаймиз.

Гоҳ у ёққа югуриб, гоҳ бу ёққа югуриб нурчиларга кўрсатма бераётган куйинчак йигит эътиборимизни тортди. Унинг фидойилиги шундоққина гап-сўзларида билиниб туради.

— Исми-шарифим — Даврон Акромжонов-Яккасарой туманида бош муҳандис бўлиб ишлайман. Тошкент шаҳар «Нур» корхонаси тавсияси билан 45-50 нафар нурчилар билан шу ерда ишлаяпман. Паннода 5 та нур гиламни ўрнатдик, саҳна атрофини ҳам нурли сўзаналар билан ўраб чиқдик. Хуллас, кўриб турган яна шу чироқ шуълалари бизнинг корхонамиз ишчиларининг хизмати. Ниятимиз байрамда одамлар қалби нурдек равшан тортсин.

Навбатдиги суҳбатдошимиз қашқадарёлик аскар йигитлар бўлди.

— Исмим Акбар. Шаҳрисабз туманиданман. Уртоғим Урол Халилов-Яккабоғдан келган «Чоштепа-35» ҳарбий бўлимида хизмат қиламиз. Мана бир неча кундан бери Мустақиллик майдонида ободонлаштириш ишларида қуролдош дўстларимиз билан қатнашаяпмиз.

Йигитлар она-оналари оддий колхозчилар — Шоҳимардон Ҳуррамов, Норхол Рустамова, Бобоқул Халилов, Султоной Удаеваларнинг исмларини фахр-ифтихор билан тилга олишди. Уларга дуои-саломлар йўллашади.

Ҳа, истиқлол байрами тантаналарининг бош режиссёри Ўзбекистон халқ артисти Рустам Ҳамидов таъкидлашича, бу йилги мустақиллик байрами томоша дастури ҳар жиҳатдан мукаммал.

Бош майдондаги тантаналарда етти минг киши театрлаштирилган томошаларда иштирок этади. Байрам шодиёналарига куй-қўшиқ юракларга балққан озодлик туйғулари ила қўшилиб ажиб манзара кашф этади. Байрам дастурига Ўзбекистон халқ артистлари, «Узбекрақс» ансамбллари, республика эстрада юлдузлари қаторида вилоятлардан келган санъаткорлар ҳам файз киритишади.

**А. ҚОДИРОВА.**

Республикамиз мустақиллигининг 6 йиллиги арафасида мамлакатимизнинг бир қатор вилоятлари деҳқонлари пойтахтимизнинг одамлар гавжум жойлари ва бозорларида мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари савдосини ташкил қилдилар. Ярмаркаларга вилоятлардан келган мутасадди идораларнинг масъул ходимлари бошчилик қилишмоқда. Аҳоли маҳсулот турларининг кўплиги, уларнинг бозорларга нисбатан бирмунча арзонлигидан хурсанд бўлиб, харид қилишяпти. Айни пайтда қайси бир ярмаркага борманг, харидорлар кўплиги ва савдо қизғинлигининг шоҳиди бўласиз.

— Биз пойтахтимиздаги метронинг «Пахтакор» бекати яқинида ташкил қилинган ана шундай ярмаркада бўлдик. Бу ерда Сирдарё вилоятидан келтирилган маҳсулотлар аҳолига сотилмоқда. 20




# ДЕҲҚОН ТОРТИҒИ





хилдан ортиқ мева, сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари савдога қўйилган.

— Пойтахтликларга 25 августдан бошлаб хизмат қилаяпмиз, — дейди вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси қишлоқ хўжалиги бўлими мудири Баҳодир Тўхтасинов. — Ҳар куни 60 тоннага яқин ёз неъматлари олиб келиш мўлжалланган. Савдо қилаётганимизга мана бугун уч кун бўлди. Ҳар куни белгиланган миқдордаги масулот олиб келиниб сотилмоқда. Ҳозиргача Ш.Рашидов, Меҳнатобод, Оқолтин туманлари деҳқонлари ўз маҳсулотларини олиб келишди. Улар даладан тўғри келтирилганлиги боис урингаН эмас. Шу боис одамлар хурсандчилик билан харид қилишаяпти. Вилоятдаги 12 та туман ва шаҳарларнинг ҳаммасидан навбатма-навбат маҳсулот олиб келинади. Ярмарка 5 сентябргача давом этади.

Ярмаркани айланиб, бу ерда одамларнинг гавжумлигининг шоҳиди бўлдик. Сотувчилар учун кўпгина шароитлар яратилган. Қовун, тарвуз, картошка ва пиёз сингари маҳсулотлар кўплаб сотилаяпти.

— Бугун эрталаб 9,5 тонна маҳсулот олиб келдик, — дейди Оқолтин тумани улгуржи-чакана савдо бирлашмаси бошлиғи муовини Зулпон Қурбонов. — Олиб келинган неъматларнинг ярмини тушгача сотиб бўлдик.

Ярмарканинг ташкил бўлганлиги шаҳарликлар, пойтахтимиз меҳмонлари учун ниҳоятда яхши бўлди. Айниқса, маҳсулотларнинг сероблиги, уларнинг бевосита даладан олиб келинганлиги диққатга сазовор.

Ҳ.КАРИМОВ,
Н.МУҲАММАДЖОНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти»
мухбирлари.

**Суратларда: мева-сабзавот савдоси ярмаркасидан лавҳалар.**

# БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

**Республикамиз мустақиллигининг олти йиллиги арафасида Фарғона вилоятидаги 101-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари Бувайда туманидаги «Оққурғон» жамоа хўжалиги тасаррувфида жойлашган Чўтака қишлоғи аҳолисига янги мактаб биносини қуриб, фойдаланишга топширдилар. 844 ўқувчига мўлжалланган бу мактаб барча қулайликларга эга. 32 та синфхонасидан ташқари, лаборатория, компьютер ва дам олиш хоналари, спорт ва мажлислар зали, шинам ошхона ҳам мавжуд.**

**Янги мактабга вилоят халқ таълими бошқармаси 6 миллион 721 минг сўмлик турли жиҳозлар, ўқув қуроллари олиб берди. 33-мактабнинг ўқувчилари ҳамда 70 нафардан зиёд муаллимлари янги ўқув йилини янги мактабда бошлайдиган бўлдилар.**

Р.МЕЛИБОЕВ,
Қишлоқ ҳаёти»
мухбири.

*«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали*

# МЎЪЖИЗАСИ, ЖОЗИБАСИ ЖАҲОНИЙ

Истиқлол байрами арафасида рўйи замин сайқали бўлмиш кўҳна ва навқирон Самарқанд янада гўзаллашиб кетди. Айниқса, афсонавий Регистон байрамона безаниб, халқимизнинг бой маънавий ўтмиши ва бугунидан сўзлайди. «Афросиёб» меҳмонхонасининг муҳташам фойеси турли либос кийган, турли тилда сўзлашувчи 32 мамлакатдан ташриф буюрган 267 нафар санъат намояндалари, 11 кишидан иборат халқаро ҳакамлар ҳайъати ва 16 давлатнинг ҳукумат аъзоларидан иборат делегация билан гавжум. Санъаткорларнинг ҳар бири ўз миллий чолғу асбобларида ранго-ранг куйлар ижро этишади. Куй-қўшиқ эса миллат қалбига айланиб элларни-элларга, дилларни-дилларга, асрларни-асрларга, даврларни замонларга боғлайди. Негаки, наво инсон руҳиятидан туғилиб, руҳиятда камол топади, уйғунлашади. Шунинг учун ҳам «Шарқ тароналари» халқаро фестивалининг очилиш маросимида янграган «Муножот», «Чўли Ироқ», «Шашмақом» барча миллат вакилларининг юракларини забт этди, кўҳна Турон тарихидан мусиқий тилда сўзлаб, кўнгилларга ором бағишлади.

Миллатларни ягона тилак остида бирлаштирган ушбу анжуман ўзининг мазмуни, салоҳияти, моҳият-эътибори билан дунё миқёсида улкан аҳамият касб этди. Унинг ЮНЕСКО раҳбарлигида ўтаётгани ҳам фикримизнинг исботидир. Мартабали меҳмон ЮНЕСКО ташкилотининг маданият сектори бош директори Креспо Торалнинг эътироф этишича, шу пайтгача Шарқ мамлакатларидан биронтасида бундай катта, кенг миқёсдаги мусиқа анжумани ўтказилмаган. Шу маънода Самарқадда иш бошлаган анжуман маданий ҳаётимиздаги ката воқеа бўлиб, озод юртимизда санъат ва маданиятга катта эътибор берилаётганидан далолат. ЮНЕСКО вакили Нурика Айкава эса Регистонда жуда катта мўъжизанинг гувоҳи бўлганлигини таъкидлаб, бу каби жозибали, мазмунли ва ҳаяжонга бой томошани илк бор кўрганини айтди. «Буюк ипак йўли» номли бу томошанинг режиссёри Баҳодир Йўлдошев санъатига катта баҳо берди. Н. Айкава ЮНЕСКО анъанавий мусиқа намуналари жамланган компакт дисклар чиқаришни мўлжаллаНаётганлигини ва Самарқанд анжумани ғолиблари ижро этган асарлар ҳам улардан ўрин олишини маълум қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда қарор топаётган тинчлик-осойишталик, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги изчиллик, халқаро масалалардаги қатъият Ўзбекистонни дунё миқёсидаги обрўсини оширмоқда. Кўплаб йирик халқаро ташкилотлар, машҳур фирма ва банкларнинг давлатимизни ишончли шерик деб қараётгани ҳам адолатли сиёсат натижасидир.

Халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари байрам бахона юртимизда амалга оширилаётган эзгу ишларни, инсон манфаатлари йўлида ҳазрати одамларга кўрсатилаётган меҳр-мурувватни кўзлари билан кўриб, Ўзбекистондаги туб бурилишларга ўзлари гувоҳ бўлмоқдалар. Барча меҳмонлар Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган анжуманнинг тантанали очилиши жуда мароқли бўлганини, айниқса, юртбошимиз табриги ўзларида катта таассурот қолдирганлигини таъкидлашмоқда. Шу билан биргаликда Шарқ меҳваридаги гавҳар шода ҳисобланмиш Самарқанд шаҳрининг ўзига хос анъаналари, удумлари билан танишишлари, халқ ҳунармандчилиги кўргазмаларида намойиш этилган кулоллик, каштачилик, зардўзилик буюмлари ҳам уларга катта қувонч ҳадя этганини эътироф этишмоқда.

Миллий чолғу асбоблари кўргазмаси, шаҳарнинг тарихий обидаларини зиёрат қилиш ҳам санъат ихлосмандларига янада завқ бағишлади. Дилларга ором берувчи, дўстлик, ҳамкорлик, талант соҳибларининг халқаро фестивали давом этмоқда.

Насиб бўлса, дилни аллаловчи „Шарқ мусиқасининг жозибали наволари, Регистон таассуротлари, Амир Темур ҳазратлари ҳайкали пойига гуллар қўйилган оний лаҳзалар, ҳаётнинг абадийлигидан сўзлагувчи тинчлик ва фаровонлик даракчиси «Буюк ипак йўли» театрлаштирилган томошадаги карвон қўнғироқларининг нафис садолари фестивали иштирокчилари қалбида, хотирасида узоқ сақланиб қолажак. Зеро, қуёш ҳам меҳри, қиёфаси, одамлари бетакрор бўлгани учун Шарқдан чиқади.

**Амина НАБИХЎЖА қизи.**

# ШОҲСУПА ТЎРИДА

**Алла КИМ,**
**таэквондо бўйича жаҳон чемпиони**

— Киши қайси соҳада ишламасин, сабот билан тер тўкилса, эртами-кеч муваффақият қозонишига ўз тажрибамда ишонч ҳосил қилдим. Бундан тўрт йил илгари дадам — Вячаслав Павлович таэквондо тўгарагига олиб келганида жаҳоннинг етакчи спортчилари билан энг юксак унвонлар учун баҳс юритишни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

Лекин ўз касбининг фидойиси — мураббий Пулат ака Усмонов қўлида шуғуллана бошлагач ўз кучимга ишонч уйғонди. Агар астойдил машқ қилсам, юксак чўққиларни забт этишим мумкинлигини сездим. Шу боис ўзим истиқомат қиладиган Оҳангарон туманидаги «Ғаллақудуқ» хўжалигидан Туйтепага қатнаш оғирлик қилмади. Ҳолбуки ҳар куни манзилга етиб олиш учун икки-икки ярим соат сарфлашга тўғри келарди. Яхшиямки, уйга қайтишда махсус машина ташлаб қўярди.

Нима бўлганда ҳам тўрт йиллик саботли машқларимиз беҳуда кетмади. Санкт-Петербургда ўтган жаҳон чемпионатида кескин курашлардан кейин мен шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишга муваффақ бўлдим. Бу қувончли лаҳзаларда мураббийлар улуғ саодат — Мустақиллигимизнинг ҳам ёдга олдим. Ахир олти йил илгари мамлакатимиз Истиқлол йўлини танламаганида биз жаҳон чемпионатида қатнаша олармидик...

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ*

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШГАН КАСБ-ҲУНАР ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ**

**1997—98 ўқув йили учун**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Ихтисослашган касб-ҳунар лицей-интернатига республикамиздаги барча мактабларнинг 9—синфини («аъло» ва «яхши» баҳоларга) тугатган ҳамда қишлоқ хўжалик соҳасига қизиққан иқтидорли ўқувчиларни хужжатлари 1997 йилнинг 15 сентябригача қабул қилинади.

Касб-ҳунар лицей интернатининг 10-синфларига ўқувчилар киме, биология ҳамда она тили ва адабиётдан суҳбат синовлари асосида қабул қилинадилар.

Касб-ҳунар лицей-интернатда кимё, биология, информатика фанлари, хорижий тиллар, давлат ва ҳуқуқ асослари, менеджмент ва маркетинг асослари, экология асослари, иқтисодий ва қишлоқ хўжалиги фанларининг асослари махсус дастур асосида чуқур ўргатилади.

Машғулотларни университетининг тажрибали профессор-ўқитувчилари олиб борадилар. Ўқувчиларнинг касбга йўналтирувчи фанларга оид дарслар университетнинг лаборатория ва ўқув-тажриба станциясида ўтказилади.

Касб-ҳунар лицей-интернатга қабул қилинган ўқувчилар шинам турар-жой ва бепул овқат билан таъминланадилар. Кимё ва биология фанлари бўйича вилоят олимпиада ғолиблари синовсиз қабул қилинади.

Касб-ҳунар лицейини муваффақиятли битирганларга ўрта маълумотли шаҳодатномадан ташқари қишлоқ хўжалик соҳаси бўйича қўшимча касб-ҳунар эгаллаганлиги ҳақида гувоҳнома берилади.

Касб-ҳунар лицейга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар.

1. Директор номига ариза
2. Туғилганлик ҳақида гувоҳномадан кўчирма.
3. 086 (У шаклдаги тиббий маълумотнома
4. 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси
5. 3—4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат
6. Яшаш жойидан маълумотнома.

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700140, Тошкент шаҳри, ТошДАУ (19, 83, 96, 129, 115, 167, 491 — автобуслар ва 53-маршрут таксининг «Тошкент Давлат аграр университети» шоҳ бекати).**

**ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА МАРҲАМАТ**

Тошкент Давлат аграр университети 1997-98 ўқув йилида Узбекистон Республикасининг ҳамма ўқув юртларига тест синовлари асосида кириш учун 8 ойлик кундузги пуллик тайёрлов курсига тингловчиларни қабул қилади.

Аграр университетнинг пуллик тайёрлов курси Узбекистон Республикасининг барча олий ўқув юртларига кириш учун қуйидаги: математика, физика, химия, биология, ўзбек тили ва адабиёти, чет тили фанларидан тест синовлари орқали имтиҳон топширишга тайёрлайди.

Тингловчилар ётоқхона билан таъминланади. Университетда овқатланиш, даволаниш, ўқиш ва дам олиш учун ҳамма шароитлар мавжуд.

Ҳужжатлар 1997 йилнинг 30 сентябригача қабул қилинади.

Уқиш 1997 йил 1 октябрдан бошланади.

Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

1. Ректор номиза ариза
2. Урта мактабни тугатганлиги ҳақида аттестатнинг асл нусхаси.
3. 086-у шаклидаги тиббий маълумотнома.
4. 3х4 ўлчамли 4 дона фотосурат.

Тайёрлов курсида ўқитиш университет илмий кенгашида тасдиқланган Низом асосида амалга оширилиб, машғулотлар университетнинг малакали профессор ва ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент — 700140, ТошДАУ (19, 83, 96, 115, 129, 165, 167, 491-автобуслар ва 15, 29, 49, 53-маршрут таксиларнинг «Тошкент Давлат Аграр университети» бекати).**

**Маълумот учун телефон: 63-75-07.**





**Мамлакатимиз пойтахти кун сайин чирой очмоқда. Мустақиллик шарофати ила Тошкент жаҳондаги энг сўлим шаҳарлардан бирига айланмоқда. Қисқа муддатда Республика биржа маркази биноси, Юнусободдаги катта теннис корти бунёд этилди.**

**Суратларда: биржа маркази биноси (чапда) ва усти ёпиқ теннис корти.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ:
«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосари —1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими —1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими —1- 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

Рўйҳатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0510, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.